

Ҳамкорлик мақсадидаги ташриф

Трактор ва ирригация тизимларини ишлаб чиқиш бўйича номи донғи кетган АҚШ ва Германиянинг йирик компаниялари ҳамкорликни қўлга қўйиш учун институтимизга ташриф буюрди. CLAAS компаниясининг минтақавий эксперт менежерлари Андрей Раймер ва Василий Сайдер, LINDSAYMDX давлатлари бўйича менежери Дамъен Кошелин, MASCHIO GASPARDO савдо бўйича директори Слетлана Миколенко, ABHN Trading вакили Бернд Хенnlарда иборат делегация институтимизга ташриф буюрди. Институт ўқув ишлари бўйича проректори, проф. Б.Мирзаев институтимиз вакилларини таништириб ўтди. Сўнгра институт хақида маълумот ва видеоролик тақдим этилди. Меҳмонлар институт ўқув участкалари ва уларда ўз лабораторияларини жойлаштириш имкониятлари бўйича музокара олиб боришиди. Учрашувдан сўнг меҳмонлар институтимиз лабораторияларига ташриф буюришиди. Меҳмонларга институтимизда талабалар ёшлар учун яратилган кенг шароитлари билан танишишиди. Икки томон ҳам ҳамкорлик меморандум имзолаш учун келишиб олишди. Ўзаро манфаатли ҳамкорлик албатта, ўз мевасини беради.



Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов